

SPECIAL ISSUE

# JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ  
ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

VOLUME II | ISSUE 3 | MAY-JUNE | 2024

ISSN: 2181-4031



Available online at [www.imfaktor.com](http://www.imfaktor.com)

ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 3 СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ- II, НОМЕР 3

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE 3

ТОШКЕНТ – 2024

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 3 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2024-3>

## Бош муҳаррир:

Тураев Б.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

## Масъул муҳаррир:

Расулова Д.

– иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

## Таҳририят аъзолари:

1. Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент
2. Ходжаметова Гулчира Илишевна – тарих фанлари номзоди, профессор
3. Ҳайдаров Ўрал Ахмадович – иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD), доцент
4. Мусаев Джамалиддин Камалович – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент
5. Жамолдинов Хумоюн Бахтиёрбек ўғли – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент в.б
6. Узакова Зарина Фуркатовна – социология ф.б.ф.д (PhD), доцент
7. Мамадияров Дилшод Уралович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
8. Тўраев Шавкат Нишонович – фалсафа фанлари номзоди, доцент
9. Бердиева Гулмира Аминовна – тарих фанлари номзоди
10. Гаипов Жасур Бахром ўғли – иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD)
11. Сохибова Лола Жонибоевна – фалсафа ф.б.ф.д (PhD)
12. Шарипов Дилшод Бахшиллоевич – сиёсатшунос, эксперт
13. Содиржонов Мухриддин  
Махамадаминович – социология ф.б.ф.д (PhD)
14. Саттаров Дилшод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент
15. Турақулов Акмалжон Анварович – фалсафа ф.б.ф.д (PhD)
16. Каримов Бозарқул Худдайбердиевич – фалсафа фанлари номзоди

*“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.*

*Мазкур журнал 6 та халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор” кўрсаткичига эга.*

*Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар хорижий мақолалар сифатида тан олинади.*

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

**Таҳририят манзили:** Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: [www.imfaktor.uz/com](http://www.imfaktor.uz/com)

**Телефон номер:** +99894-410 11 55, **E-mail:** [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2024 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2024 йил.

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

**ХОЛБЕКОВ Абдуғани Жуманазарович**

*Ўзбекистон Миллий университети*

*профессори, соц.ф.д.*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11142338>

## РУС ДАВЛАТЧИЛИГИ ВА ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ТАҚДИРИ

### АННОТАЦИЯ

Глобаллашган дунёнинг сиёсий жараёнлар тизимида умумий қонуниятлар билан бирга, уни ташкил этувчи турли жамиятлар ва халқларнинг ўзига хос ижтимоий ва сиёсий анъаналарини ҳам ўзида жамлайди. Ўз вақтида империалистик мамлакатлар юритган колониал сиёсатларида бу каби анъаналар ўз ўрнини қолдирган. Мазкур мақолада Россия давлатчилигининг шаклланиши ва кенгайиб бориши тенденциялари кейинчалик унинг истилочилик ва босқинчилик ҳаракатлари рус империячилигини келтириб чиқарганлиги ҳақида сўз юритилган. Бундай сиёсат рус давлатчилигининг шарққа, хусусан туркий халқлар ҳудудларига нисбатан амалга оширилган ҳарбий, сиёсий, ижтимоий ва маданий таъсир ўтказиш билан бирга кечганлигига эътибор қаратилган. Хусусан, Сибирь ҳудудининг истило қилиниши кейинчалик Марказий Осиё халқлари ҳудудларининг босиб олинишида плацдарм вазифасини ўтаганлиги таъкидланган.

**Калит сўзлар:** сиёсат, ижтимоий структура, сиёсий маданият, сиёсий воқелик, давлатчилик, деспотизм, истилочилик, абсолютизм, самодержавие, экспансия, колониализм, империя, инқилоб.

## РУССКАЯ ГОСУДАРСТВЕННОСТЬ И СУДЬБЫ ТЮРКСКИХ НАРОДОВ

### АННОТАЦИЯ

В системе политических процессов глобализированного мира, наряду с общими законами функционируют и социально-политические традиции различных обществ и народов. В ходе колониальной политики, проводимой в свое время империалистическими странами, данные факторы оказали существенное влияние на социальную реальность. В данной статье раскрываются тенденции становления и расширения российской государственности, которые впоследствии привели к российскому империализму. По мнению автора, империалистическая политика российского государства сопровождалась военным, политическим, социальным и культурным влиянием, которое осуществлялось по отношению к Востоку, в частности к территориям, принадлежавшим тюркским народам. В частности, предполагается, что вторжение и дальнейшее завоевание Сибири стали плацдармом завоевания территорий народов Центральной Азии.

**Ключевые слова:** политика, социальная структура, политическая культура, политическая реальность, государство, деспотизм, абсолютизм, самодержавие, экспансионизм, колониализм, империя, революция.

## RUSSIAN STATEHOOD AND THE FATE OF THE TURC PEOPLE

### ANNOTATION

In the system of political processes of the globalized world, along with general laws, the socio-political traditions of various societies and people's function. In the course of the colonial policy pursued by the imperialist countries at the time, these factors had a significant impact on social reality. This article reveals the trends of the formation and expansion of Russian statehood, which subsequently led to Russian imperialism. According to the author, the imperialist policy of the Russian state was accompanied by military, political, social and cultural influence, which was exercised in relation to the East, in particular to the territories belonging to the Turkic peoples. In particular, it is assumed that the invasion and further conquest of Siberia became a springboard for the conquest of the territories of the peoples of Central Asia.

**Keywords:** politics, social structure, political culture, political reality, state, despotism, absolutism, autocracy, expansionism, colonialism, empire, revolution.

*Кирриш.* 2024 йил дунё тарихига сиёсий йил бўлиб кирди. Дунё сиёсий харитасидан жой олган 200 дан ортиқ мамлакатларнинг аксариятида мазкур йилда президент ёки парламент сайловлари бўлиб ўтади. Табиийки, сайловлари натижалари маълум маънода глобал дунё сиёсий воқелигидаги муҳим векторни белгилаб беришини ҳозирдан башорат қилса бўлади. Жумладан, Россия Федерациясида бўлиб ўтган президент сайловида Владимир Путиннинг янги муддатга сайланганлиги ҳам, ҳар ҳолда шундан далолат бермоқда. Шу маънода охириги пайтларда илмий жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда фаол муҳокамаларга сабаб бўлаётган бир мавзуга тўхталиш жоиз деб ҳисоблаймиз. Бу Россия сиёсий доиралари ва уларга алоқадор структуралар, уларнинг тарихи ва трансформацияси, шунингдек туркий халқлар тақдиридаги ўрни мавзусидир.

*Методология.* Сўзни аввало рус тарихчилиги тарихидан бошлаб, мавжуд далилларга мурожаат қилиш зарур. Тарихий манбаларга кўра, Россия тарихида марказлашган давлат XV аср охиридан тортиб XVIII асргача бўлган давр давомида шаклланган. Хусусан, XV аср охирида шимолий-шарқий рус князликлари бирлашиши Москва князи Иван III даврида айниқса фаоллашди.

Иван III Москва князлигига Новгородни қўшиб олишдан (1478 йил) то мўғуллардан озод бўлгунгача бўлган даврда (1480 йил) “рус ерларини йиғиш” сиёсатини олиб борди. Бу Шарқий Европада янги сиёсий макон – Киев Руси қад кўтарганлигини англатиб, 1443 йилда қулаган Византия империясидан кейинги пайдо бўлган янги сиёсий воқелик эди, “Москва – учинчи Рим” ибораси ҳам шу даврдан бошлаб истеъмолга кира бошлади. Кескин агрессивлик касб этган бу жараён шу даражада тез юз берадики, Русь худуди кейинчалик XVI, XVII ва XVIII асрларда муттасил тарзда кенгайиб борди.

*Асосий қисм.* Шундан кейинги воқеалар рус давлатининг агрессив моҳиятини тўлиқ юзага чиқарди: Қозон хонлигининг 1552 йилда, Астрахан хонлигининг 1556 йилда олиниши кейинги улкан худуд – Сибирнинг олинишини бошлаб берди. Романовлар династиясининг ҳокимиятга келиши билан тажовузкорона ташқи сиёсати кучайганига қарамай, 1649 йилда крепостнойлик ҳуқуқининг жорий қилиниши билан рус деспотизми даҳшатли тус олди. Нақ 212 йил давом этган крепостнойлик ҳуқуқи ва холопликни Степан Разин кўзғолони (1667-1671) ва Пугачев кўзғолони (1773-1775) ҳам енгиллаштира олмади.

Нима бўлганда ҳам, Русь давлатининг худуди 1547 йилда 3 миллион кв.км ни ташкил этган бўлса, XVII асрнинг охирида 7 миллион кв.км га, 1670 йилда 11 кв.км га, 1722 йилда эса 14 кв.км га етди. Бошқача айтганда, икки аср ҳам ўтмай, рус ерлари деярли 3 бараварга кенгайди. Бу тарихий далил рус давлатининг географик худуди математик эмас, геометрик прогрессияда ортиб борганлигини англатади. Дарҳақиқат, рус давлатчилигидаги биринчи подшо Иван Грознийдан то унинг охириги подшоси бўлган Петр I гача, яъни 1547 йилдан 1721 йилгача бўлган 175 йил ичида тинимсиз кенгайиб борди.

1689 йилда ҳокимият тепасига Петр I сиёсати туфайли рус абсолютизми янада кучайиб, мамлакат империя даврига кирди (1721). Бу империя нақ уч аср, тўғрироғи 296 йил Еврооциё худудида ҳукм сурди, у “халқлар турмасига” айланди ва 1917 йилга келибгина барбод бўлди. Албатта, уч юз йиллик империя хотираси тумандай тез тарқалиб кетмаслиги табиийдир. Шу маънода рус сиёсатчилари тоифасининг собиқ СССР кулаб, Россия суверен давлатга айлангач ҳам собиқ империяни тиклаш орзусига ружу кўйишини тушуниш мумкин, аммо асло оқлаб бўлмади.

Энди айтиб ўтилганлар тарихий жараёнлар фонида туркий халқлар тақдирига таъсир кўрсатган Сибирь истилоси ҳақида тўхталсак. Сибирь ерлари рус давлатининг шарқдаги улкан кўшниси бўлиб қолаётган эди. Сибир хони Кучум улкан саркардалик иқтидорига эга бўлмаганлиги сабабли, бу камчилигини айёрлик билан тўлдирар, рус подшосига бўйсунувчи кабилаларга тез-тез ҳужумлар уюштириб турар эди.

Шу билан бирга, Сибирь мўйнага бой бўлиб, бу рус савдогарларининг иштаҳасини очиб юборган эди. Хусусан, рус савдогарлари табиий бойликларга эга бўлиб турган ўлкаларга сафарлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида казакларни ёллашга ҳаракат қиларди. Савдогарларнинг пешволаридан бўлган Страганов ва унинг хамтовоқлари казакларнинг бош атамани Ермакни ўз томонига оғдира олдики, бу рус экспансиясининг янги тўлқинини келтириб чиқарди.

Ермак экспедицияси 1581 йил 1 сентябрда йўлга чиқди. Унинг оз сонли отряди расман Россиянинг ғарбий чегарасидан шарқ томонга йўл олганидан бир йил ўтгач, Кучум кўшинларига дуч келди. У биринчи зарбадаёқ Тобол дарёси бўйидаги қальани қўлга киритади. Руслар оз сонли бўлсада, орқадан Иван Грозний жўнатган казак ўқчи кўшини ҳисобига кенгайишга эришади. Аммо озик овқат муаммосига дуч келган босқинчиларнинг ҳолатидан фойдаланган Кучум қальана қамал қилади.

Қальани тез қўлга киритолмагач, у хийла ишлатади: унинг қамалдаги қальага юборган икки аскар, ўзларини бухоролик савдогарлардан бўлиб, гўёки Кучум уларнинг Россия билан савдо қилишларига йўл бермасдан, уларнинг карвонини асирда тутиб турганлигига ишонтиришга муваффақ бўлишади. Ермак хийлага лақ тушиб, ёрдамга чиқиши билан Кучум кўқисдан ҳужум бошлади ва русларни пораканда қилади. Ермакнинг ўзи ҳалок бўлади, айрим тарихий манбаларга кўра у дарёда ғарқ бўлади.

Аммо, русларнинг талофати бу жангдаги мағлубияти бўлиб, урушдаги ғалабасини кечиктирди, холос. Чунки, босқинчиларга ортдан етиб келаверган ёрдамнинг кети узилмаслиги боис, Сибирнинг шундан кейинги истилоси шиддатли тарзда тез кечди. Бу эса нафақат Кучумнинг якуний мағлубиятига, балки тез орада рус шаҳарларининг пайдо бўлиши жараёнларини ҳам бошлаб берди. Уларнинг дастлабкиси Тюмен шаҳри эди.

Ермакнинг бор-йўғи 840 киши билан бошлаб берган Сибир экспансиясининг ғалабаси ортида, бир томондан тараққиётда ортда қолаётган турк-мўғул халқларининг тарихий ожизлигини кўрсатса, бошқа томондан тобора кучайиб бораётган рус давлатчилигининг тажовузкор сиёсатининг ифодаси эди.

Бу сиёсатнинг туркий халқлар тақдирига таъсири бир асрдан сал кўпроқ давр ичида Уралдан то Тинч океанигача бўлган худудларнинг Россия таркибига кўшиб олинишида намоён бўлди. Рус империяси олдин казаклар, сўнг уларнинг орқасидан кўчиб борувчилар, маъмурлар, руҳонийлар, ҳунармандлар, савдогарлар юришлари туфайли кенгайиб борди. Енисей қирғизлари, даурлар ва чукчаларнинг қаршилигини ҳисобга олмаганда, “рус салбчилари” деярли жиддий тўсиққа дуч келмадилар.

Табиийки, рус давлати шарқда тобора янги ерларни қўлга киритиб борар экан, ўзининг улкан маконга эга бўлаётганлигини тобора ҳис этар, ўз колониал сиёсатини Урал тоғларидан ошиб ўтишига ҳаракатни бошлади. Айнан Ермак юришларида “Волга бўйлари – Урал тоғлари – Сибирь – Тинч океани” вектори кўзга ташлана бошлади.

Бунда дарёлар ўлкаси бўлган Сибирь алоҳида ўрин тутиши табиий эди. Шу жиҳатдан рус колониализмида Сибирнинг сув йўллари катта аҳамият касб этди. Иван Грозний бой савдогарларга Уралда катта мулкларни таъминлаб бердики, бу янги ерларга катта масштабдаги кўчиб ўтишини ташкил этишга олиб келди.

Бунда Строгановлар каби бой савдогарлар томонидан қишлоқ хўжалигидан тортиб туз етиштиришгача, балиқ хўжалигидан тортиб то Уралдаги фойдали қазилма бойликларни қазиб олишгача бўлган ишларни ривожлантирибгина қолмай, маҳаллий аҳоли билан савдо муносабатларини ўрнатишни ҳам амалга оширдилар.

Строгановларнинг рус экспансиясининг ҳақиқий плацдармига айланганлиги шунда ҳам намоён бўлдики, улар ўз ерларини Сибир хони Кучумдан ҳимоя қилиш учун казаклар кучидан фойдалана олдилар. Атаман Ермак билан тузилган келишув Кучумнинг ҳудудига кўчиришни кўзлаган бўлиб, 1581 йилдаги ҳарбий экспедиция аслида Сибирнинг ичкарасига юриш бўлиб чиқди. Ермакнинг кўшини Тагил ёнида Урални кесиб ўтиб, Европадан Осиёга оёқ кўйди. Бир қанча жанглардан сўнг Ермак 1582 йилда Иртиш дарёси бўйидаги Чуваш қўлтиғида юз берган уч кунлик жангда кучум кучларини тор мор қила олди. Кучум чекиниб, Ермак бутун Сибир хонлигини, жумладан хонликнинг пойтахти Кашликни ҳам босиб олди.

Лекин Кучум казакларнинг катта талофат кўрганлигидан фойдаланиб, 1585 йилда кутилмаганда қарши ҳужумга ўтди ва Ермакнинг деярли бутун отрядини йўқ қилди, Ермакни дарёга чўктиришга эришди. Аммо, казаклар Сибирдан чиқиб кетишига қарамай, унинг ортида рус давлатининг тобора очкўзлашиб бораётган босқинчи кучлари турарди. Руслар аллақачон Сибирнинг асосий дарё йўллари ўрганиб бўлишган эди. Бир неча йиллар ўтмасдан, улар Ермак излари бўйлаб келиб, бир неча йил ичида Сибирни қисқа муддатларда забт этишни давом эттирдилар.

XVII асрнинг ўрталарига келиб, Россия Камчатканинг шарқий қисми ва шимолий кутб доирасидаги бир қанча ҳудудларидан ташқари, ўз чегараларини уларнинг ҳозирги ҳолатига яқин бўлган даражада ўрната олди. Камчаткани истило қилиш XVIII аср бошларида, арктикабўйлари ва Аляскани ўрганиш ва ўзига қаратиш эса яна 30-40 йил ўтиб амалга оширилди. 1689 йилда Цинь империяси ва Россия ўртасида Нерчин шартномаси тузилди, унга кўра бутун Сибирь Россияга ўтди. Оқибат шу бўлдики, Сибирнинг босиб олиниши кейинги ҳудуд, яъни Ўрта Осиёни истило қилиш учун плацдарм яратди.

Шу тариқа улкан Евроосиё метеригида икки давлат - ғарбда рус давлати, шарқда эса хитой давлатчилиги орасида ва сиқувида қолган туркий халқлар тарихий мағлубиятга учрадилар. Бошқа жиҳатдан, улкан жуғрофий кенгликларда эркин ва эмин кўчиб-силжиб юришга одатланган туркий халқлардан доимо хавотирда бўлган бу икки давлат ўз хавфсизлигини нафақат акс тажовуз билан таъминладилар, балки юқорида рус давлатчилиги мисолида кўрганимиз каби, ўз ҳудудларини ҳам кенгайтириб бордилар.

Умумий маънода олиб қараганда, Европа мамлакатларининг океанорти экспансияси олдин бир-биридан ажралган ҳолда мавжуд бўлган цивилизацияларнинг ўзаро тўқнашуви, кейинчалик эса маълум маънода мулоқотини ташкил этди.

Зеро, бу Буюк ипак йўли орқали нафақат товарлар, балки ғояларнинг ҳам минтақалараро алмашинувининг маълум муддат узилиб қолишининг буюк географик кашфиётлар натижасида денгиз йўллари орқали савдо ва ўзаро алмашиш воситасида қайта тикланишидан ўзга нарса эмас эди. Аммо Европа мамлакатларининг саноатдаги кучайиши ва океанлараро алоқаларнинг янги босқинчи империализм даври бошланганлигини ҳам билдирар эди. Бу эса метрополиялар, яъни колониал империяларнинг ўз колониалари устидан назорат ўрнатиб, савдо-сотикни ва арзон ишчи кучини ҳаддан ортиқ эксплуатациясини келтириб чиқарди [3].

Россия ўз истилоларини денгиз йўллари орқали эмас, янги ҳудудлардаги дарё йўллари ва курукликдаги йўллардан фойдаланди.

Унинг ўз худудларини зўрлик билан кенгайтириши Испания, Португалия, Голландия, Франция, Англия, Бельгия каби ўчқўз империячи давлатлари амалга оширилган империалистик сиёсат натижасида Шимолий Америка, Жанубий Америка, Австралия, Янги Зеландия, Африка ва Аргентинада туб аҳоли ўзларининг асл ва қадимий ерларидан қандай жудо қилинган бўлса, туркий халқлар ҳам ўз қадрдон маконларидан ҳайдаб чиқарилдилар, аксарият ҳолларда уларнинг сони қисқариб, мазлум камчиликка айландилар. Россия империализми бунинг устига, бевосита худудий яқинлиги туфайли кўшимча таъсир кўрсатишга ҳам эга бўлди. Бошқача айтганда, мустамлакачилик билан бирга, янги истило қилинган худудларга рус жамиятига хос хусусиятлар ҳам кириб келди.

Шу маънода масаланинг юқоридаги тарихий-географик жихати билан бирга, унинг ижтимоий аспектига ҳам тўхталсак. Жаҳон тарихида камдан-кам юз берадиган бу каби мислсиз жараённинг ижтимоий қиёфасини қандай тасвирлаш мумкин?

Биринчидан, *Россия сиёсий ҳаёти ўзига хос хусусиятлари ва анъаналари билан ажралиб туришини айтиб ўтиш ўринлидир*. Шунинг аввал бошдан таъкидлаб ўтиш керакки, истилочилик ҳаракатларининг бошида рус аристократияси ва раҳбарлик рутбасидаги ҳукмрон доираларнинг тажовузкор фаолияти, аниқроғи унинг сиёсий фель-атвори турарди. Қуйида биз уларга тўхталиб ўтамиз.

I. Рус давлатчилиги сиёсий жихатдан олганда ўзининг дастлабки географик маконида аввал вотчина [1] кейинчалик монархия бўлиб, унинг борган сайин улкан қиёфа касб этиш баробарида бир неча династиялар (Рюриқлар, Шуйскийлар, Годуновлар, Романовлар) алмашган эди. Ғарб мамлакатларидан фарқли ўлароқ, рус жамиятининг сиёсий ҳаётида рус жамоавийлиги (община) анъаналари бўлган бўлсада, аммо *парламентаризм* биқик ҳолатда эди. Хусусан, Новгород вечеси ўз хусусиятига кўра, рус халқининг осиеча характерини ҳам ўз ичига олган эди: вечеда ким баландроқ овозда бақириб гапирса, шу киши кўпинча ҳақ ҳисобланган (шу ўринда айтиш мумкинки, россиялик собиқ сиёсатчи Жириновский йирик сиёсий йиғинларда, хусусан Дума мажлисларида баъзан бақириб гапириши одати ана шу тарихий илдизга эга сиёсий анъананинг ўзига хос акс-садоси бўлиб туюлади).

Шунингдек, Россия тарихида “Земский собор” деб номланган сиёсий институт ҳам мавжуд бўлган. У асосан учта кучлар вакилларининг йиғилишидан иборат бўлган: боярлар Думаси; “муқаддаслаштирилган собор”, яъни олий руҳонийлар йиғилиши; ижтимоий табақалар, асосан дворянлар, савдогарлар (улар рус ерларининг кенгайиб бораётган катта худудлари бўйлаб, асосан дарёлар узра кема ва қайиқларда ҳаракатланган), вақти-вақти билан шаҳарликлар, бунда ҳам шаҳар аҳолисининг савдо-саноат қисми аҳолиси, кам ҳолларда деҳқонлар ва казаклар вакиллари.

Земский собор табақавий вакиллик органи бўлиб, аслида тобора кенгайиб бораётган рус давлатининг подшоси (царь) муҳим сиёсий муаммоларни муҳокама қилиш ва қонунлар қабул қилиш важи билан чақирилиб турилган. Аслида Земский собор деганда, ҳали ёш бўлган, аммо 14 йиллик рентгенлик давридан чиқиб, ҳукмронлик қила бошлаган Иван IV томонидан чақирилган 1549 йилдаги собор назарда тутилади. Унинг мақсади сифатида земщина [2] ва боярлар ўртасидаги келишувга эришиш деб овоза қилинган ва у шу маънода “келишув Собори” ҳам дейилган. Гап шундаки, земщинани бошқариш Боярлар думаси томонидан амалга оширилган эди. Ундан сал олдинроқ ёш подшо халқ кўзғолонларини ҳам бошдан кечирган эдики, ҳали куч ишлатиш ҳадисини олиб улгурмаган тажрибасиз рус подшоси маслаҳатларга муҳтож эди. Феодал мулкни давлат фойдасига марказлаштиришни мақсад қилган Иван Грозний 1565-1572 йилларда опричнина [3] сиёсатини юритди.

Демакки, Россиянинг биринчи подшоси Иван IV Грозний аслида биринчи Соборни ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олиш, асосан кенгая бошлаган рус ерлари ва боярларни келиштириш, шу билан бирга таҳликада турган халққа адолатли суд ва ишончли мудофаани ваъда қилиб, вақтдан ютиш учун ўз тарафдорларининг маслаҳатлари билан чақирган эди.

Рус давлатчилигидаги фавқуллода чоралар кўриш, бунда ўзгаларга, аввало мухолифатга нисбатан куч ишлатишдан тортиб сиёсий босим ўтказишгача бўлган ноқонуний чораларни кўриш, зарур бўлса жисмоний жиҳатдан йўқотиш анъаналари айнан Иван Грозний давридан бошланганлигини шундан ҳам кўрса бўлади.

Земский собор 1549 йилдан 1684 йилгача, яъни деярли 135 йил амал қилган, жамми 60 марта чақирилган. Уни кейинчалик Борис Годунов тарқатиб юборган эди (унда ёш Иван Грознийдан фарқли равишда подшо қони бўлмасада, ақлли ва тажрибали сиёсатчи бўлганлиги боис, ортиқча маслаҳатчи вакилларга эҳтиёжи бўлмаган). Тарихий факт сифатида шуни айтиб ўтиш лозимки, 1598 йилда Земский собор Москвада Борис Годуновни, кейинчалик қайта тикланиб, 1613 йилда Романовлар династиясини бошлаб берган Михаил Федорович Романовни ҳам рус подшоси этиб сайлаган эди.

Аммо кейинги воқеалар ҳокимиятни якка тарзда қўлга олиш, яъни “самодержавие” (“единодержавие”) деб номланган, том маънода подшолик ҳокимиятини мустаҳкамлаш билан боғлиқ жараёнлар юз берди. Россия узоқ вақтга парламентаризм анъаналаридан маҳрум бўлди. Шу туфайли ҳақиқий маънодаги парламент институти шаклланишга улгурмай, қисқа давр ичида йўқолиб кетди. Аслида Земский собор рус тарихидаги сиёсий институт сифатида европа мамлакатларидаги парламетлардан фарқ қилар эди, чунки у маҳаллий ижтимоий табақалар йиғилишларига таяниб эмас, юқоридан туриб чақирилар эди. Бундан ташқари, Земский собор ғарб мамлакатларидан фарқли ўлароқ, ҳокимиятни марказлаштиришга хизмат қилмаган, буни вазифани самодержавиенинг ўзи уддалаган. Қолаверса, удавлат бошлиғига нисбатан ҳеч қачон мухолифат бўлмаган. Россия тарихида мухолифат доимо вазият ва тор манфаатларни кўзлаган айрим одамлар, асосан сарой атрофидаги шахсларга боғлиқ бўлиб келган. Умумий маънода у яккабошқарувчи подшонинг бошқарув тизимини мустаҳкамловчи восита эди, холос.

II. Маълумки, ҳар қандай жамиятнинг сиёсий тарихи ва замонавий сиёсий ҳаёти унинг ижтимоий тузилмасида акс этади [4]. Россия жамияти ҳам бундан истисно эмас. Шу билан бирга, Россия жамияти тарихан ўзига хос ижтимоий тузилмага эга бўлиб келганлигини айтиб ўтиш лозим.

Қадимги рус давлатчилигида аҳоли юқори ва паст табақаларга бўлинган бўлиб, биринчисига князлар, руҳонийлар вакиллари, боярлар ва дружинниклар мансуб эди. Рус ижтимоий-сиёсий тарихида боярларнинг ўрни алоҳида бўлган. Боярлар тарихан уруғ-қабила задагонлари, ҳарбий отрядлар (қатта дружинниклар рус князларининг маслаҳатчиси, кичик дружинниклар эса асосан ҳарбий юришлар уюштирувчи жангчилар бўлишган) оқсоқоллари, йирик ер эгалари сифатида олий феодал табақа бўлиб, Россия тарихида, айниқса рус жамиятининг ижтимоий тизимида, демакки, сиёсий ҳаётида IX-XVII асрларда ҳукмрон мавқега эга табақа сифатида катта роль ўйнаган. Айрим баҳсли мулоҳазаларга кўра, “бояр” атамаси турк дунай-булғор тилидаги “болярин” сўзидан келиб чиқиб, бой одам мазмунига эга бўлган, сўнгра славянлашган.

Боярлардан юқори мавқега фақатгина князлар (алоҳида князликдаги ҳукмдор) эга бўлишган. Дастлаб князлар қабила бошлиғи, ҳарбий жамоа раҳбари бўлишган, улар сайланган, кейинчалик эса наслий мавқе касб эта бошлаган. Ўрта асрларда, хусусан Русь устидан мўғуллар ҳукмронлиги даврида хонлар томонидан князлик мавқеи белгилаб берилган. Хусусан, Ўзбекхон томонидан митрополит Петрга ёрлик берилган бўлиб, унда князлик даражалари (улуғ, ўрта ва қуйи) белгилаб берилган.

Кейинчалик дворянлар юқори мавқега кўтарила бошлаган. Фарқ шунда эдики, агар боярлар вотчиналарга эгалик қилган бўлса, олдинлари боярлар ва князлар хизматида бўлган, XII асрдан бошлаб эса ижтимоий табақа тарзида шаклланган дворянлар (“двор”, яъни князь ховлисидаги одам маъносида, князлар уларни ўз топшириқлари ижроси учун ёллаганлар) эса одатда ўз хизматлари эвазига мулкка эга бўлганлар.

XIV асрдан бошлаб буюк князлардан ўз хизматлари учун ер ола бошлаган дворянлар Петр I нинг 1714 йилдаги фармони билан ўз ерларини бир умрга ва наслий эгалигига эришганлар. Бундан ташқари, боярлар асосан ҳарбий аристократия вакиллари бўлиб, ўзларининг подшо ҳузуридаги кенгашига ва бошқа айрим алоҳида имтиёзлардан фойдаланишган бўлса, дворянлар ўз хизматлари натижаларига таянишган. Шу маънода дворянлар тараққийпарвар табақа бўлишган.

Аҳолининг қуйи табақалари асосан уч турга мансуб бўлишган: а) оддий одамлар (“люди”); б) шаҳарликлар “градские люди”, яъни савдогарлар ва хунармандлар; в) холоплар.

Оддий одамлар тоифасини жамоавийликка асосланган эркин деҳқонлар билан бирга, князларга тобе бўлган, уларга нисбатан хизматда бўлган деҳқонлар “смердлар” (слвянча “осмердить”, яъни эгаллаб олиш) дейилган. Ер эгаси билан унга ишлаш бўйича шартнома тузган смердлар “рядовичи” (“ряд”, яъни келишув маъносида) деб аталишган. Шунингдек, бошқа ер эгасидан уй ҳайвонлари, иш қуроллари ва жиҳозларни қарзга олган смердлар “закуплар” (“купа”, яъни қарзга сотиб олиш маъносида) деган ном билан аталганлар.

Шаҳарликлар “горожане” (ушбу сўздан кейинчалик “гражданин” ибораси келиб чиққан) деб номланганлар.

Россия ижтимоий ҳаётида оғир асорат қолдирган ижтимоий ҳодиса – бу холопликдир. Холоплар рус жамиятининг энг қуйи қисми, яъни ботқоғини ташкил қилган ва моҳиятан кулларга яқин бўлган мазкур ижтимоий гуруҳ ўз навбатида икки тоифага бўлинган:

1) Ҳарбий асирлар “челядь” (русча “чадо”, яъни хизматкор маъносига эга бўлиши мумкин, деб тахмин қилинади) деб юритилган. Кейинчалик хўжайин уйидаги чорикорлар (крепостнойлар) ҳам шу сўз билан аталган.

2) Қарздор, яъни тўлиқ холоплар (эскирусча “холуй”). Бундай холопликнинг манбаи шунда бўлганки, закуп, яъни қарзини тўлолмаган деҳқон яширин қочганида, ўғирлик содир қилганида, шартномасиз хизматда бўлганида ёки кул аёлга уйланганида кўпинча холоп даражасига тушиб қолган. Натижада унинг авлоди туғилганидан бошлаб холоп бўлиб, бир умр бировнинг шахсий мулки сифатида яшаган. Умуман олганда, холоплик азалдан Қадимги Русда ҳуқуқсиз аҳоли гуруҳини англатган [1].

Маълумки, холопликни 1723 йилда рус императори Петр I бекор қилган бўлиб, бу рус жамиятининг эркинлик томон қўйган катта қадами эди, гарчи крепостнойлик ҳуқуқи шундан кейин ҳам яна 138 йил, яъни 1861 йилгача сақланиб қолган бўлсада.

Агар рус сиёсий доиралари асосан босқинчилик позициясида турган бўлсалар, *рус интеллигенцияси*, хусусан дворян табақаларининг ҳаракатлари самодержавие абсолютизмига ва крепостнойчиликка қарши қаратилган эди. Бу аввало 1840 йилдан илмий журналлар чоп этилиши, 1865 йилдан эса народникларнинг фаолият бошлашида айниқса намоён бўлди. Албатта, рус зиёлилари таркибан бир хил бўлмай, ғарбчилар ва славянофиллар орасида кескин тортишувлар тўхтамаган. Ғарбчилар либерализм ва демократик эркинликлар тарафдори бўлсалар, славянофиллар эса православие ва жамоавийликка асосланган “алоҳида ривожланиш йўли” учун кураш олиб борардилар. Шуларга қарамай, умумий маънода рус интеллигенциясининг кўпчилики намоёндалари демократизм, гражданлик, тараққийпарвар ислохотлар, гуманитар таълим ва ижод вакиллари эдилар.

Ижтимоий адолат ғоялари, хусусан миллий озодлик ҳаракатларини қўллаб қувватлаш уларнинг кўпчилигига хос хусусият эди. Ижтимоий танқид, миллий ўлкаларнинг эркинлиги масалалари уларга ёт эмасди.

Рус инқилобларигача бўлган рус интеллигенцияси учун умуминсоний идеаллар Н.Бердяев, М.Туган-Барановский, Н.Бухарин томонидан бошлаб берилган бўлиб, рус интеллигенциясининг ижодий, инженер техник, университет, илмий академик, маориф интеллигенцияси вужудга келди.

Аслида, рус интеллигенцияси турли касбий гуруҳлар вакиллари бўлишига қарамай, умумий маънода ижодий фикрловчи, жамиятда қадриятларни ва гуманистик дунёқарашни шакллантирувчи, тарбия, маориф ва замонавий таълимни улуғловчи кишилар эдилар. Шунингдек, тарихий ва маданий хотирани сақлаш, шу орқали авлодларни боғлаш, энг муҳими давр даъватларига муносиб жавоб қидирадиган ижодкорлар ижтимоий гуруҳи бўлган.

Совет ҳокимияти ўрнатилиши билан “пролетар” интеллигенция олдинги “буржуа” рус интеллигенцияси интеллигенциясига қарши қўйила бошланди, сўнг эса у совет интеллигенцияси деб атала бошланди. Қандай номланишидан қатъий назар, уларнинг ҳар бирига юқорида санаб ўтилган хислатлар хос эди. Давр конъюктурасига мослашиш илинжида ўз принципларига хилоф фаолият юритганлар ҳам бўлган, албатта. Аммо асл зиёли рус қатлами ҳамиша ўз сўзини айта олган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, ўзбек интеллигенциясининг шаклланиши ва таркиб топишида ҳам рус халқининг энг яхши жиҳатларини ўзида мужассам этган рус ва совет интеллигенцияси сезиларли ўрин тутган. Халқимизнинг Москва, Сан-Петербурги, Қозон ва бошқа шаҳарларда олий таълим олган, илмий фаолият олиб борган кўплаб вакиллари уларнинг тарбиясини олган, оқибатта катта илм ва ҳаёт мактабини ўташган.

*Рус тили* ва унинг ўрни ҳақида таъкидлаганда, унинг миллий маданиятимиз ва жаҳон цивилизацияси ўртасида ўзига хос боғловчи кўприк бўлганлигини тан олмасликнинг иложи йўқ.

Рус тили бу аввало рус бадиий адабиётидир. Пушкин, Гоголь, Тургенев, Бунин, Куприн, Лев Толстой, Достоевский, Добролюбов асарлари бутун жаҳон асл бадиий адабиётининг таркибий қисмидир. Бир неча авлод вакиллари айнан рус тили воситасида жаҳон адабиёти классиклари – Гомер, Данте, Гёте, Байрон, Шиллер, Гейне, Бальзак асарлари билан танишди.

Рус тили, шунингдек, охириги уч асрда жаҳон маданиятида (мусика, тасвирий санъат, архитектура, ҳайкалтарошлик ва б.), қолаверса, фанида (фалсафа, тарих ва бошқа ижтимоий фанларда) тўпланган сара дурдоналар боғловчи халқа бўлиб хизмат қилди.

*Хулоса.* Бугунги кунда туркий давлатларнинг ўзаро фойдали интеграцияси ҳақида гап кетар экан, аввало тарихдан сабоқ чиқариш ҳақида ўйлаш лозим. Бунда тарихдан фақатгина негатив омилларни излаш эмас, танқидий фикр асосида ҳамкорлик нуқталарини топиш муҳимдир.

**ИҚИБОСЛАР. СНОСКИ. REFERENCES.**

1. Колибаба С. Холоп – этимология. [https:// proza.ru](https://proza.ru)> 2013/04/26.
2. Робертс Дж.М., Уэстад О.А. Мировая история / Пер. с англ. С.А. Белоусова. – М.: Центрполиграф, 2018. – 1247 с.
3. <https://ru.m.wikipedia.org/wiki/> Великие географические открытия.
4. Холбеков А.Ж., Назарқосимов С.И., Бердиев Б., Эргашева М. Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт трансформацияси. – Тошкент: “KALEON PRESS”, 2021. – 252 б.
5. Kholbekov A.J. “Jamiyat ijtimoiy sohasi” tushunchasiga doir. // “Zamonaviy dunyoning ijtimoiy manzarasi va jamiyat tuzilmalari transformatsiyasi” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari tuplami (Toshkent sh., 25-may 2023.). -Toshkent: UzMU. – В/ 53-56.
6. Холбеков А., Ибрагимов Ж. Raqamli jamiyatda ijtimoiy adolatni amalga oshirish imkoniyatlari //Журнал социальных исследований. – 2023. – Т. 6. – №. 3.

ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 3 СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-II, НОМЕР 3

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE 3

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

Веб-сайт: [www.imfaktor.uz](http://www.imfaktor.uz)